Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● № 2 (9998). ● 1991 йил 3 январь ● пайшанба ● Баҳоси 6 тийин.

Хушхабарлар

Мусиқа ихлосмандларига

● Бутуниттифоқ «Мелодия» грамёзувлари фирмасининг Тошкент студияси мусиқа ихлосмандларига Янги йил совғаси тайёрлади. Турли эски ҳолдаги бир неча янги пластинкалар тугаб бораётган йилнинг сўнгги кунларида тайёрлаб чиқарилди. Улар орасида Мерзиё Халитованинг қрим татар тилида ижро этган ва биринчи марта грампластинкага ёзилган қўшиқлари бор. «Ялла» вокал чолғу ансамбли ҳам янги қўшиқлар билан ўз мухлисларини хурсанд қилди. Пластинкада ўзбек шеърияти мумтозлари Навоий, Умар Ҳайём, Фурқат, Муқимий ғазалларига ёзилган қўшиқлар бор. Халқ оғзаки ижодининг мухлислари учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Т. Мамедова ижросида ёзиб олинган эски ўзбек маросим қўшиқларидан иборат пластинка ҳам бор.

* * *

«САМ-ЯНГ» ХИЗМАТИНГИЗДА

● Тошкентда «Сам-янг» деб аталган корейс ресторани очилди. Бу ерда янги йилга алоқадор афсона ва ривоятларни мириқиб эшитиш мумкин. Ресторан ходимлари севимли халқ байрамини кутиб олишга бағишланган кўпгина афсоналарни биладилар. Гарчи ой календари бўйича Янги йил февралда нишонласада, бу ерда бошқа халқларнинг анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўладилар. Тўғри, байрам дастурхонига фақат миллий таомларнигина тортадилар. Бу таомлар Жанубий Кореядан махсус юборилган китоблардаги маслаҳатлар асосида тайёрланади. Ресторан директори В. А. Шин шунга ўхшаш ҳар қандай муассаса «фирма» маҳсулотига эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Анс шундай маҳсулотлар дам олиш бурчагига қўйилган, улар киши кўзини қувонтиради. «Сам-янг» байрамолди кунлари иш жадвалини ўзгартирди ва кеч соат 6 дан кейин ҳам хўрандаларга хизмат қила бошлади.

(ЎзТАГ).

* * *

• Ҳайрия

СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтдаги 2-махсус болалар уйида ҳам янги йил тантаналари бўлиб ўтди. Бу ерда тарбияланиб шифо топаётган ногирон болалар ҳузурига Чилонзор ноҳиясидаги 309-болалар боғчасининг жажжи ўғил-қизлари, ҳамда Акмал Икромов ноҳиясига қарашли Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйининг Ф. Ҳайдарова раҳбарлигидаги янги ташкил топган «Нола» дастаси жамоалари ташриф буюрдилар.

Улар ақли заиф, туғма ногирон кичкинтойларнинг кўнглини кўтариб, безатилган кўм-кўк арча атрофида қувноқ ўйин-кулги уюштирдилар.

Байрамга ташриф буюрган А. Икромов ноҳиясидаги Журжоний маҳалласида истиқомат қилувчи Маҳмуджон ака Ғофуров ўзининг шахсий жамғармасидан болалар учун 100 та совға тайёрлади. Шунингдек, ушбу болалар уйини оталиққа олган «Дружба» ширкати жамоаси ҳам ҳар галгидек болаларга совғалар улашди. «Камолот-90»- кўрик танловининг қатнашчиси хушовоз хонанда Ҳабибулло Шамсиев ўзининг куй ва қўшиқлари билан байрамга файз киритди.

Ҳ. ЮНУСОВ.

● Тошкент тўқимачилик комбинатининг 3-филиалида вақтдан ўзиб ишлаётган ишчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Сайёра Очилова шундай илғор ишчиларнинг олдинги қаторида бормоқда. Олти йилдан бери шу даргоҳда ишлаётган бу пешқадам тўқимачи унумли ишлаш қатори мураббийлик ҳаракатида ҳам фаол қатнашмоқда.

Суратқаш Т. КАРИМОВ.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ТАШВИШЛИ ТАХМИНЛАР

● ХАЛҚАРО Гэллап институти жаҳоннинг 38 мамлакатида сўров анкеталарини тарқатди. Унда фақат бир-гина савол бор эди: «Сиз 1991 йил 1990 йилга нисбатан дуруст бўлади, деб ҳисоблайсизми?» Лекин жуда кўпгина давлатларнинг фуқаролари бу саволга тушкунлик билан жавоб бердилар. Энг кўп тушкунга берилувчилар Венгрия, Совет Иттифоқи, Канада ҳамда бошқа 12 мамлакатда экан. Тушкун жавоб берганларнинг 82 фоизи Венгрияга, 46 фоизи ССЖИга, 45 фоизи Канадага тўғри келди. Маълум бўлишича, умидворларнинг энг кўпи Исландияда экан. Уларнинг сони тушкунликка берилувчиларга нисбатан 35 фоиз ошиқ бўлди. Бу рақам Чилида 34 фоизни, Тайвандда 31 фоизни, ташкил этди.

ЛИВАН ХУДУДИГА ҲУЖУМ

● БАЙРУТ. (ТАСС). Яссир Арофатнинг шахсий маслаҳатчиси Бассам Абу Шариф Фаластиннинг босиб олинган ерларида жуда қалтис вазият вужудга келганлигини ташвишланиб гапирди. Бу ерларда, деди у, ҳар дақиқада портлаш бўлиши мумкин. Аммонда журналистлар ҳузурида сўзга чиққан Б. А. Шариф жаҳон ҳамжамиятини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг қарорларини сўзсиз бажаришга кўмаклашишга чақирди.

Ўтган душанба куни Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг тайёралари Ливан худудига ҳужум қилганлиги «дард устига чипқон» бўлди. Босқинчилар Сайда шаҳридан 15 чақирим шарқда жойлашган Води ал-Лаймун аҳоли пунктидаги Фаластинликлар қароргоҳига бомба ташладилар. 10 киши ҳалок бўлди, 7 киши жароҳатланди.

СОМАЛИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

● СОМАЛИ пойтахти — Могадишо шаҳрида қалтис вазият вужудга келди. Ўтган душанба куни бу ерда ҳукумат қўшинлари билан Бирлашган Сомали конгресси исёнкорлари ўртасида қаттиқ отишма рўй берди. Қуролли тўқнашувда тўплар ва миномётлар ишга туширилди. Ҳамма тўс-тўполон президент саройи атрофида бўлиб ўтди. Исёнчиларнинг баёнотига қараганда Бирлашган Сомали конгресси жангарилари бутун Могадишони назорат қилиб турибди. Мазкур баёнотда айтилишича, президент Муҳаммад Сиад Барре ўз қароргоҳидан қочиб, пойтахтдан бир неча километр масофада бўлган махсус тайёрагоҳда бошпана топган. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг маълумотларида эса Сомали инқилобий социалистик партиясининг қатор раҳбарлари Сомалини ташлаб Римга қочганликлари айтилади.

МУҲОЖИРЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

● 1991 ЙИЛДА Совет Иттифоқидан Исроилга кетаётган муҳожир яҳудийларнинг сони 400 минг кишига кўпаяди. Мисрда чиқадиган «Ал-Аҳром» рўзномасининг хабар қилишича, юқоридаги гапларни Исроилнинг муҳожирлар иши бўйича вазири Ицхак Перец айтган. Муҳожирларни жойлаштириш шунчалик мушкулки, деди вазир, бу ишда фақат армиянгина ёрдам бериши мумкин. Бош штаб бошлиғи Дан Шомрон бу йил Исроил армияси ўз лагерлари ҳамда базаларида ССЖИдан келаётган 80 минг муҳожирни жойлаштириши мумкин, деди.

ЯНГИЛИКЛАР ТЎЛҚИНИДА

● БУ ЙИЛ Болгария ёқилғи муаммосига дуч келмоқда. Ёқилғи инқирози кўринишдан ҳали-вери ҳал бўлмаса керак. Шу боис Болгария Совет Иттифоқидан 6,5 миллион тонна нефть сотиб олишга қарор қилди. Ўтган ҳафтада Москвада бўлиб, ўз ватанига қайтиб келган бош вазир ўринбосари Александр Томов Болгария ахборот агентлиги билан қилган суҳбатида юқоридаги рақамни келтирди.

● РАСМИЙ тузумга оппозицияда бўлган Албания демократик партияси вакили Рейтер мухбири билан қилган суҳбатида партия яқин кунлар ичида қатор шаҳарларнинг аҳолисини намойиш ва митингларга олиб чиқади, бунда кўп партиялилик асосида ўтказиладиган парламент сайловларини орқага суриш талаб этилади, деб айтди. Бироқ бундай талаб аввал ҳам бир марта қўйилган эди. Албания раҳбарияти ўшанда бу талабга рад жавоби берган эди.

● ЭРИТРЕЯНИ озод қилиш халқ фронти радиостанциясининг хабарига қараганда, Эфиопия ҳукумат қўшинлари билан бўлаётган тўқнашувларда улар томонидан 1350 аскар маҳв этилган, 2600 киши жароҳатланган.



● ИСПАНИЯ. Ташқи ишлар вазири Франсиско Фернандес Ордоньес Форс кўрфазидаги можарони ҳал қилишнинг энг тўғри йўли тинчликдир, деб айтди. Бу йўл, ўз навбатида, Ироқ томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши қарорини сўзсиз бажаришни тақозо этади. Афсуски, можарони тинч йўл билан ҳал қилиш учун жуда оз вақт қолмоқда, деди вазир. Суратда: Испаниянинг «Камбио-16» ҳафтаномаси муқовасидаги лавҳани кўриб турибсиз. У «Уруш яқинлашмоқда» деб огоҳлантирмоқда.

ТАСС суратн.

ДЕҲҚОНЧИЛИК — САНОАТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ИЖАРАЧИЛАР ТАШАББУСИ

Бўстонлиқ районидаги «Қизил ту» жамоа хўжалигининг ижарачи ғаллакорлари кузги экин экишни тугаллаб, эски тегирмонларни тиклашга киришдилар.

Дончилик хўжалик иқтисодиётида катта ўрин эгаллаган, Адирдаги майдонларнинг ҳар гектаридан ўтган йил 15—16 центнер дон олинди. Ҳосилнинг асосий қисми озуқа — ем учун қолдирилди. Лекин, ижарачиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳосилдорликни яна ошириш имкониятлари бор. Донни шу жойнинг ўзида янчиш эса тағин ҳам кўпроқ даромад олиш имконини беради.

(ЎзТАГ мухбири).

ЯНГИ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ ҲАҚИДА

ЯҚИНДА Тошкент шаҳрида ўрта толали пахта ва уруғлик чигитни тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш масалалари бўйича жумҳурият кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда нима масалалар кўрилади, ундан кутилган мақсад нима? Унинг натижасида бирор бир силжиш, амалий таклифлар бўлдими ёки аксар ҳоллардагидек, йиғилишиб, гаплашишиб, тарқалишамизми? Шу хусусда «Хлопкопром» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий техника ахбороти ва янги техникани жорий этиш бўлимининг бошлиғи Зокиржон МУСАХЎЖАЕВ билан қисқача суҳбатлашдик.

КЕНГАШИМИЗДА — деди З. Мусахўжаев, — асосан битта нарса ҳақида гаплашиб олдик: у ҳам бўлса, қандай янги техника ва технологияларни яратаяпмиз ҳамда уларнинг пахтачиликда қўлланиши қандай самаралар бериши мумкин. Мақсад, йиғилишимизга келадиган пахта тозалаш заводлари бош муҳандисларида ишимизга нисбатан қизиқиш уйғотишдир. Ўзингиз биласиз, ҳозир бозор иқтисодиётига ўтишга тайёрланиб турибмиз. Бу нарса биздан жуда кўп нарсани талаб қилади. Аввало, пахтамиз жаҳон бозорида рақобат қилаоладиган бўлиши керак. Бунинг учун камида ҳозирги техника ва технологияни янгиларига алмаштириш зарур бўладики, токи сифатли, талаб даражасидаги хом ашё ола билайлик. Биз жойлардаги, ҳудди шу соҳага алоқадор бўлган мутахассисларни мана шу нарсага, яъни, рақобат шароитида ишлашга ўргатишимиз лозим.

— Мумкин бўлса мисоллар билан айтсангиз; бирлашма охирги пайтларда қандай янги техника ва технологияларни яратдики, уларни амалда қўллаш пахтачилик билан боғлиқ соҳаларни анча олдинга силжита оладиган бўлсин.

— Масалан, ҳозирги пайтда институтимиз мутахассислари яратган янги пахта қуритиш машиналари чиқаяпти. Уларнинг афзал томони — ёқилғидан тўлалигича фойдаланилади. Ҳозирги бундай машиналарда ёқилғининг иссиғидан охиригача фойдаланиб бўлмаяпти. Янги машина пахтани камроқ ёқилғи билан сифатли қуритади ҳамда хом ашёни унчамунча хас-чўплардан тозалайди. Бундан ташқари, толани чигитдан ажратадиган, ўтириш анча вақт олади. Кенгашимизда улардан фойдаланиш ва бошқа масалалар ҳақида ҳам батафсил гапирилади.

— Зокир ака, кенгаш давомида янги тузилган Ўзбек давлат концернининг номи кўп тилга олинди. Концернни тузишдан мақсад нима бўлганди ва ҳозир у нима ишлар қилаяпти?

— Концерн бизнинг институтимиз қошида ташкил қилинди. Ундан қутилган нарса, пахта хом ашёсидан то газмол ишлаб чиққунгача бўлган поғоналарни битта ташкилотга бириктириш, орада бўладиган идоравий тўсиқларни йўқотиш эди. Ҳали қандай натижа беради билмадим-у, лекин бундан буён пахта билан боғлиқ бўлган беш-олтита корхона бирлашиб ишлаймиз.

Яна бир марта Кенгаш ҳақида қисқача айтадиган бўлсак, жумҳуриятнинг, қўшни жумҳуриятлардан келган пахта тозалаш заводлари бош муҳандисларига ўрта толали пахтани қайта ишлаш технологиясини тушунтириб ўтамиз ва янги техникани жорий этиш масаласини кўрамиз. Қисқаси, нима қилсак янги техникани амалда тезроқ қўллаш мумкин, деган масалада бир тўхтамга келишимиз керак.

Р. ХУДОЁРОВ суҳбатлашди.

ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ МОСКВАДАН, СЪЕЗДДАН ҚАЙТИБ КЕЛГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК ССЖИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИЛАР.

ИШИМИЗ, ТАШВИШИМИЗ АНА ШУНДАЙ...

В. П. ЗОЛОТУХИН:

Халқ депутатлари Съезди тўртинчи марта ўтган бўлса ҳам, биринчи марта ҳақиқий ҳаётимиз муаммолари билан шуғуллана бошлади. Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси асослари ва бошқа биз қабул қилган қарорлар мамлакатни ўпирилишдан олиб чиқа олишимизга умид туғдирмоқда. Аммо бу жуда қийин иш. Олдинда умид учқунлари пайдо бўлганлиги қувонтирмоқда. Жумҳуриятларнинг бўлажак даромадларини тақсимлаш хусусида бир фикрга келолмадик, бу ишимиздаги жиддий камчилик эканлигига қўшиламан. Мамлакат бюджетини тасдиқламадик, бу ҳам яхши эмас.

Эҳтимолки, маҳоратимизнинг ошганлиги ҳам ана шу аҳдномаларнинг йўқлигидадир. ССЖИ халқ депутатлари «дастёр» эмасликларини кўрсатадилар, энди улар ҳар бир тафсилотни аниқлашга, ҳар қандай қонун ҳужжатини мукаммаллаштиришга интилмоқдалар. Парламентнинг кучи ҳам, бутун мамлакат тақдири четдаги саҳий амакиларга эмас, кўп жиҳатдан ўзларига боғлиқ эканлигини тушуниб олган халқ депутатларининг кучи ҳам мана шундадир.

Халқ депутатлари Съезди қандай ўтганлигидан ва унинг қарорларидан тўла мамнунман, дея олмайман. Кўпроқ иш қилганимизда яхши бўларди. Аммо қўлимиздан келганини қилдик. Сайловчилар бизнинг ишимиз тағин ҳам самарали бўлишини, ҳозироқ дўконларнинг пештахталари моллар билан тўлишини истаётганликларини тушунаман. Афсуски, депутатлар буни уддалай олмайдилар — буларнинг ҳаммаси Кремль Съездлар саройидаги баҳсларимизга боғлиқ эмас, балки дастгоҳлар ёнидаги, дала ёки фермадаги кундалик ишларга боғлиқ. Депутатлар ҳам, депутат бўлмаган одамлар ҳам ҳаммамиз оддий ҳақиқатни англаб етишимиз лозим: нон осмондан тушмайди. Бизга қанчалик ёрдам беришмасин, жардан фақат ўзимиз чиқишимиз лозим!

Шу жардан чиқа олишимизга умид борми? Чиқа олишимизга мен юз фоиз ишонаман! Чунки совет киши, олдинги Съездларда кўпгина делегатларимиз жим ўтиришган бўлишса, бу гал анча фаоллик кўрсатишди. Халқ депутатлари Хоразм вилоят Советининг раиси Р. М. Ҳудойберганова, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Советининг раиси А. Р. Отажонов, Фарғона вилоятининг «Коммуна» газетаси муҳаррирининг ўринбосари А. Ў. Ҳусанов, Андижон чет тиллар педагогика илмгоҳи ректори М. Э. Умархўжаев, ёзувчи О. Ёқубов ва бошқа депутатларнинг нутқлари амалий ва ишчанлик руҳида бўлди.

ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи Съезди халқнинг орзу-умидларига мос келадиган амалий чора-тадбирлари ишлаб чиқди, улар давлатимизнинг улкан имкониятларини, унинг моддий ресурслари ва ақлий кучларини ишга солишга имкон беради.

М. Э. УМАРХЎЖАЕВ:

— Ўтган Съездда ССЖИ халқ депутатларининг давлат иқтисодий, сиёсий ва маънавий аҳволидан ғоят ташвишланаётганликлари алоҳида таассурот қолдирди. Мен атрофимда лоқайд кишиларни кўрмадим. Ҳақиқатан ҳам биз сўнгги маррага етиб қолдик, энди аҳволнинг шу тарзда давом этишига йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли мамлакатни узоқ чўзилиб кетган танглик ҳолатидан олиб чиқиш учун сира кечиктирмай кескин чоралар кўриш керак. Худди шу ишда барча соғлом кучлар жипслашишлари лозим.

Марказий бошқарув аппарати тузилиши ўзгартирилганлиги ҳам, ССЖИ Конституциясига ўзгартишлар киритилганлиги ҳам Съезднинг энг муҳим қарорлари бўлди. Менимча, буларнинг ҳаммаси давлат тузилмалари фаолиятига янги кучларни олиб киради.

Жумҳуриятимиз Президентининг нутқидан тортиб ўзбекистонлик депутатларнинг барча нутқлари ортиқча эҳтиросдан ҳоли, амалий тусда бўлганлиги менга ёқиб тушди. Далиллар билан исботлаб берилган амалий таклифлар киритилди. Жумҳуриятимиз вакиллари Съезддан Съездга ишонарли баҳс юритишни ўрганмоқдалар, парламент турмуши нималигини билиб олдилар, улар совет халқи турмушини яхшилаш, унинг фаровонлигини ошириш учун жанг қилишга тайёр турибдилар.

Мен келажакка ишонч билан қарайдиган одамман. 1991 йилда яхшилик сари катта ўзгариш бўлишидан умидворман.

Тайинландилар

Ўзбекистон ССЖ прокурорининг буйруғи билан Назрулло Фатҳуллаевич Файзуллаев Тошкент вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Н. Ф. Файзуллаев 1955 йили туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, 1978 йилдан прокуратура органларида хизмат қилади. У Тошкент шаҳар прокуратураси стажёри, шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, шу прокуратурада тергов бўлими, Ўзбекистон ССЖ прокуратурасининг тергов бошқармасида ва Олмалиқ шаҳар прокурори бўлиб ишлаган.

* * *

Жумҳурият прокурорининг буйруғи билан адлия маслаҳатчиси Ҳайитмат Худойберганович Эров Янгиобод шаҳар прокурори этиб тайинланди.

Ҳ. Ҳ. Эров 1945 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, прокуратура органларида 1976 йилдан бери хизматда. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов ва Куйбишев ноҳияларининг прокуратураларида терговчи, шаҳар прокуратураси тергов бўлими, жумҳурият прокуратураси тергов бошқармаси, Қозоғистон ССЖ Чимкент вилоят прокуратурасининг тергов бошқармаси, жумҳурият прокуратураси тергов бошқармаси прокурори бўлиб хизмат қилган.

ЖАМОА КОРХОНАНИ СОТИБ ОЛГАЧ...

• Касаба уюшмаси ҳаёти

СУҲБАТЛАРНИНГ бирида Олмалиқ сут маҳсулотлари заводи аҳли корхонани сотиб олганини айтдим. Шунда даврадагилардан кимдир «хўш корхонани сотиб олса нима бўлибди, али хўжа-хўжа али-да. Бунақа дўппи кийдиришларнинг кўпини кўрдик», деб қолди.

У қандайдир ишончсизлик, заҳархандалик билан гапирарди. Ҳа, биз кўп йиллар хўжакўрсин қабилида иш тутдик. Эшагидан тўқимини қимматга туширдик. Уй қурдик, зўр пардозлар бердик, катта харажатлар қилдигу, лекин томини яхши ёпмай чакка ўтди ва шунча тоатибодатлар бир чақага арзимай қолди. Шунинг учун ҳам одамларда ишонч, эътиқод қолмади. Лекин қайта қуришимизда янгиликлар бор. Янги новдалар куртакламоқда. Мен бунга худди шу Олмалиқ сут маҳсулотлари заводидан мисоллар келтирмоқчиман.

Корхона сотиб олингани, инон-ихтиёр жамоада бўлганлиги сабабли ҳозир аёллар учун икки соат қисқартирилган иш куни белгиланган. Улар ҳар куни ишдан икки соат вақтли кетишади. Келаси йилдан бошлаб аёлларга ҳафтасига қўшимча яна бир дам олиш кунини белгилаш мўлжалланмоқда. Бу эса оилавий шарт-шароитлар, болалар тарбиясини яхшилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Энди ишчи хизматчи меҳнат отпускасига чиқса ижтимоий жамғармадан анчагина қўшимча пул олади. Кейинги вақтларда корхонанинг ўзида меҳнат қилиш, дам олиш учун жуда кўп қулайликлар яратилди. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтиш қийин. Корхонани жамоа томонидан сотиб олиниши меҳнаткашлар учун шундай имтиёзларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди.

Айниқса, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояланишига қутлуғ таъсир кўрсатди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, янги усулга ўтилгач ойлик топшириқлар муттасил ошириб бажариляпти. Барча кўрсаткичлар яхшиланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу жараёнда касаба уюшмаси фаол қатнашмоқда.

Албатта, корхонани сотиб олишнинг ўзи бўлмади. Бу жамоа учун жуда қийин ва оғир кўчди. Завод Тошкент сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасига қарар ва хўжалик, молиявий ишлар, ишлаб чиқаришни янги техника билан таъминлаш ҳамда қайта жиҳозлаш ва бошқа тадбирлар бирлашма орқали амалга оширилар эди. Бирлашма раҳбарияти эса бундай ишлар билан етарли шуғулланмасди. Завод жамоаси жумҳурият сут маҳсулотлари корхоналари ичида биринчи бўлиб ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш йўли билан тўла ижара усулига ўтди. Корхонада қатор тайёргарлик ҳамда ташкилий ишлар қилинди. Жумладан, молиявий аҳвол чуқур таҳлил этилди, мавжуд ускуналар билан лойиҳа қувватини ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди. Рентабелликни ошириш мақсадида аҳоли эҳтиёжи ҳисобга олиниб, маҳсулот хиллари қайта кўриб чиқилди. Маъмуриятдаги ортиқча бўлинмалар қисқартирилди, кадрлар ўқуви уюштирилди. Айниқса, ҳар бир ишчи-хизматчида хўжайинлик ҳиссини, ташаббускорликни ошириш, уддабуронлик билан иш юритишга алоҳида эътибор берилди. Натижада корхонада маҳсулот сифати яхшиланди, меҳнат унумдорлиги ошди.

Завод жумҳуриятда биринчи бўлиб фирма-магазин усулини қўллай бошлади. Пискент ноҳиясидаги «Пискент» давлат хўжалигида кичик завод ташкил этилди. Сут шу ерда қайта ишланадиган бўлди. Сут заводга олиб келинмай, вақт ўтказилмай ўша ернинг ўзида қайта ишлангани учун маҳсулотнинг сифати ҳам яхшиланди. Харажатларнинг камайиши ҳисобига бир йилда 100—150 минг сўм ёнга қоладиган бўлди.

Ижара усули бошқа корхоналар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни кучайтирди. Жумладан, Олмалиқ конметаллургия комбинати, «Алмаликсвинецстрой» қурилиш трести, кимё заводлари билан яқин алоқалар ўрнатилди. Завод улар билан пландан ортиқча тайёрланган маҳсулотни етказиб бериш юзасидан шартномалар тузди. Энди савдо ташкилотлари оладиган маълум фоиз пул ҳам завод фойдасига тушадиган бўлди. Ҳамкор корхоналар завод учун 500 минг сўмлик техник ёрдам кўрсатишга, шунингдек ускуналарни созлаш, биноларни таъмирлашга ёрдам беришни зиммаларига олишди.

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, — дейди биз билан суҳбатда завод директори И. Иброҳимов, — корхонада олинган фойданинг катта қисми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, янги замонавий техника ва ускуналарни сотиб олишга сарфланмоқда. Масалан, Пискентдаги кўп йиллардан бери битмай ётган цех тезкорлик билан қурилиб, жуда камчил истеъмол молларидан бирига айланган пишлоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лозим техника сотиб олинди. Бу цех маҳсулоти жуда харидоргир. Умуман заводда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланди. Кейинги вақтларда маҳсулот сифатсизлиги устидан шикоятлар умуман тушмай қўйди.

Ишбилармонлик билан корхона фаолиятини кенгайтириш, жамғармани ошириш узоқ вақтдан бери ҳал бўлмай келаётган ижтимоий масалаларнинг қисқа вақтда ҳал этиш имконини беряпти. Жумладан, шахсий уй қурадиганларга ер ажратилиб бериляпти. Тошкент денгизи атрофида дам олиш жойини қуриш бошлаб юборилди, ошхонада овқатлар нархи арзонлаштирилди. Ёрдамчи хўжалик иши жонланди ва ишчи-хизматчилар учун арзон нархда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериляпти. Жамоа аъзолари учун дам олиш йўлланмалари чегараланмаган миқдорда сотиб олинмоқда.

Завод аҳли бу муваффақиятлардан руҳланиб, истиқболли режалар тузмоқда. 1993 йилга бориб лойиҳа қувватини икки баробар ошириш мақсадида техник жиҳатдан катта қайта қуриш кўзда тутилмоқда. Ишчи-хизматчилар янгиликдан хурсанд. Ҳар бир кишининг иш ҳақи ошди. Тежамкорлик бўйича катта кўрсаткичларга эришилмоқда. Раҳбарларнинг айтишларича, ҳозир бирор ишчи-хизматчи ишдан бўшаса камида 5—6 минг сўм олади. Ҳиссаси ҳозирча шундай. Лекин энди ҳеч ким ишдан бўшашни хаёлига ҳам келтирмаяпти. Икки йилда шунчалик ўсиш! Йил сайин ҳисса ошиб бораверади. Бунинг устига кассадаги каби жамғармаси фоизи ҳам ортаверади. Жамоа ҳар бир аъзосининг, у ким бўлиб ишлашидан қатъий назар, умум ишга кўшган меҳнати, ташаббускорлиги, таклифларига қараб маоши, жамғармаси ошиб бораверади.

Б. ПЎЛАТОВ,
Тошкент вилояти ва шаҳри касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши матбуот марказининг мудири.





● Жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалик машинасозлигининг байроқдори — Тошкент трактор заводи маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда. Бу йил ҳам чиқариладиган барча тракторлар ва прицеплар юзасидан мижозлар билан шартнома тузилди. Бу жамоа учун яхши. Лекин материаллар етказиб бериш бўйича шартномалар эҳтиёжга нисбатан фақатгина 78 фоизни ташкил этди. Бу албатта машинасозлар учун катта қийинчилик туғдириши мумкин. Лекин жамоа барча имкониятларни ишга солиш йўлида қатъий ва изчил изланмоқда. Албатта у ўзининг ижобий натижаларини беради. Суратларда: силлиқловчи Бахтиёр Жалолов, корхонанинг бош конвейерида янги йилнинг дастлабки тракторлари, тракторларни синаш участкасида.

Суратқаш Л. КАЛЕНСКАЯ. (ЎзТАГ).

• Акс садо

АЁЛНИНГ БАХТИ САДОҚАТДА

Ҳурматли муҳаррир!

«Тошкент ҳақиқати» одамлар севиб ўқийдиган рўзномалардан бўлганлиги учун унга август ойида биринчи бўлиб ёзилдим. Бошқа рўзнома ва журналларни ҳам оламан. Лекин, шулар ичида биринчи навбатда сизларнинг рўзномаларингизни ўқийман.

Рўзноманинг шу йил, 11 ноябрь куни чиққан «Садоқат ва хиёнат» мақоласини ўқиб, қўлимга қалам олишга мажбур бўлдим.

Менимча, хотин-қизларда ҳаё-андиша, номусу ор бўлгани яхши. Бу улуғ фазилатга ҳаётининг охиригача амал қилиши лозим. Саврнисо аяни ана шундай диёнатли аёллар қаторига қўяман. Унинг ёшлик йиллари фарзандлари тарбиясига сарфланаётганда эҳтимол, кимлардир аяга олтин қасрлар ваъда қилгандир? Лекин, у ўзини, бутун куч-қувватини жиғаргўшалари йўлига бағишлабди. Бундай фидокорлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Мақолада шунингдек, Болтабой билан унинг умр йўлдоши Қундузнинг оилавий фожиаси ҳам тасвирланибди. Енгилтак аёл омонат ҳузур-ҳаловатни деб оиласидан ажралди. Тўғри, иккинчи эрга тегибди. Лекин, халқимизда кўз очиб кўрганингдан айрилма, деган ибратли нақл бор. Болтабой хотинидан жабрланибди. Менимча, бевафо хотинига алимент тўлаши шарт эмас. Майли, ҳар ҳолда отаку, байрам—хайит кунлари уст-бош олиб берсин. Онаси ёмон бўлса, болаларда нима айб?!

«Садоқат ва хиёнат»ни ўқиб, ёшлик йилларим ёдимга тушди. Ўшанда қийин даврлар эди. Турмуш ўртоғим 1942 йили урушга кетди. 22 ёшимда саккиз ойлик болам билан қайнонам қўлида қолдим. Ўқитувчилик касбимни ташламадим, эркаклар қатори меҳнат қилдим, оғир йиллар юкини баравар кўтардим.

Турмуш ўртоғим фронтдан кеч кузда келди. У бутун соғлигини йўқотган, кечалари алаҳсираб ухлолмасди. Бунинг устига ўпкасини совуққа олдирибди, оғзида битта ҳам соғ тиши қолмаган. Қисқаси, меҳр-мурувватга муҳтож эди. Эримнинг аҳволига ачиниб, кечалари йиғлаб чиқардим. Кўп дўхтирларга қаратдим, кўнглига оғир ботадиган гапларни айтмадим. Дўхтирлар «Тошкентнинг ҳавоси оғир, қишлоққа кўчиб боринглар», дея маслаҳат беришди. Эр-хотин Мирзачўлда, сўнг, Андижон вилоятининг Ворошилов ноҳиясида тўрт йил яшаб, ўқитувчилик қилдик. Ойим кексайиб қолганди. У киши: «Ўлсам Тошкентда ўлай», дедилар. Кўнгилларига қараб, шаҳарга қайтиб келдик. Келган йилимиз вафот этдилар. Ойиларининг вафоти турмуш ўртоғимга қаттиқ таъсир қилди шекилли, касаллари кучайиб кетди.

Дўхтирлар йўлланмаси билан бу сафар Оҳангаронга кўчиб кетдик. Турмуш ўртоғим «Ленинчи» қишлоғидаги 8-мактабга директор этиб тайинландилар. Ўзим эса шу мактабда муаллимлик қилдим.

Биз борган мактаб ниҳоятда хароба эди. Турмуш ўртоғимга шу ҳақда гап очсам, «Мен коммунистман. Қаерга юборишса ўша ерда ишлайман. Қайси юз билан «Менга яхши мактаб топиб беринглар, дейман» дедилар. Югур-югур билан касаллари ҳам ёдларидан кўтарилди. Қамиш билан ёпилган мактаб томини шиферлатдилар. Ҳамма синф хоналарига пол қилдирилди, печкалар таъмирдан чиқарилди.

Тинимсиз меҳнат, касаллик у кишини йиқитди. Шифохонада ёнларида ўтириб чиқардим. Бояқиш менга мўлтираб тикилади, сўзсиз йиғлайди... Ўлимлари олдидан қўлларимни ушлаб: «Муҳаррам, мен билан яшаб ҳеч рўшнолик кўрмадинг», деб йиғлаганлари ёдимдан чиқмайди. Эсласам томоғимга муштдек нарса тиқилгандек бўлаверади, бевафо дунёдан дод, дегим келади.

Бир куни менга шундай дедилар: «Муҳаррам, ўладиганга ўхшайман. Сендан мингдан-минг розиман. Мендан кейин майли, турмушга чиқ, болалар довдираб қолмасин...». Ишонасизми, шу куни тонг отгунча йиғлаб чиқдим... Шу куни вафот этдилар. Ҳали жуда ёш, эндигина қирқдан ўтгандилар.

Уч болам билан ҳайҳотдек уйда ёлғиз қолавердим. Шу орада мени райкомга чақиришди. «Эрингиз ўрнига директор бўлинг», дейишди. Кўнмадим. Тошкентдан эримнинг дўстлари келишиб, сизни олиб кетамиз, дейишди. Бунга ҳам кўнмадим. Шундай қилиб, охири мени илмий мудирликка, кейинчалик директорликка тайинлашди. 1971 йили Оҳангарон ноҳияси қайта ташкил этилди. Райкомга чақиришди. Котиб гапни узоқдан бошлади: «Опа, биз сизни яхши биламиз. Ҳаммамизни ўқитгансиз. Ленин ордени олгансиз, обрў-эътиборингиз бор. Йўқ, демасангиз, сизни «Ленинчи» қишлоқ совети раислигига қўйсак?». Унга шундай жавоб қайтардим: «Юрагимнинг мазаси йўқ. Бу иш қўлимдан келмайди. Мени болалардан айирманглар». Кўнишмади. Вилоятга, катталар олдига олиб боришди. Улар: «Опажон, энди катталарни ҳам тарбиялаб беринг», дейишди. 1972 йили раисликка тасдиқландим. Шу тахлитда 1986 йилгача ишладим.

Шу орада Тошкентдаги синглим оғир касалликдан сўнг вафот этди. Жудолик ёмон. Буни бошига тушган билади. Энг сўнгги илинжимдан ҳам айрилиб, юрагим бот-бот оғрийдиган бўлиб қолди. Ҳатто иш пайтида ҳам маҳкам чангаллади. Ариза бериб, ишдан бўшадим.

Худога шукур, ҳеч нарсадан камчилигим йўқ. Катта қизим муҳандис, ўғлим ҳарбий хизматчи, иккинчи ўғлим хўжаликда бош агроном. Барака топкурлар, мени еру кўкка ишонишмайди. Етти қават кўрпачада, иззат-икромда яшаяпман.

Баъзан фарзандларим: «Онажон, бизларни боқаман, деб қишлоқда умрингиз ўтди. Тошкентга кўчиб кетайлик», дейишади. Шунда уларга: «Онам, синглим, укам вафот этишган. Кимни қора тортиб бораман? Оҳангарон менинг азоб-уқубатда, ташвиш — қувончда ўтган ёшлик йилларимни эслатиб туради. Одамлари худди туғишганларимдек. Шуларни ташлаб қаёққа кетаман?», дейман.

Рўзномадаги мақола баҳонасида юрагимдаги гапларни айтиб олдим. Сўзимнинг охирида ёшларга оилавий бахтингизни кўз қорачиғидек асранг, омонат ҳавасларга берилманг, демоқчиман. Инсоний бахт—садоқатда. Бусиз ҳеч ким ўзини бахтлиман, деб айтолмайди.

Муҳаррам СОЛИҲОВА,
меҳнат фахрийси.

«ТАШАББУС, ИЖОДКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ»

Кейинги пайтда Оржоникидзе ноҳиясида турли мавзуларга оид бадиий, адабий кечалар, кўрик ва беллашувлар, спорт мусобақалари ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Куни кеча ноҳия халқ таълими бўлими ходимлари ташаббуси билан «Ўқитувчи-90» беллашуви бўлиб ўтди.

Беллашув 3 босқичдан иборат бўлиб, дастлаб ўқитувчилар иш тажрибалари юзасидан реферат ҳимояси ўтказилди. Сўнгра ўз фанлари бўйича қўшни мактабларда дарс ўтиб беришди. Бу топшириқларни муваффақиятли бажарган ўқитувчиларгина 3-босқичда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди. Мазкур босқич учта шартдан иборат бўлиб, унда педагогик ва психологик савол-жавоблар, мактаб ҳаётига таллуқли бўлган саҳна кўриниши ҳамда ўқитувчиликдан бошқа қобилиятлари синаб кўрилди.

Барча топшириқларни аъло даражада бажарган, 25-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси Шоҳида Иброҳимова биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўринга 16-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳакима Юсупова, учинчи ўринга эса 38-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ультой Раисова лойиқ деб топилди.

— Беллашув шиори «Ташаббус, ижодкорликка кенг йўл» деб аталди, — дейди ноҳия халқ таълими бўлими методисти Муҳаббат Аслонова. — Тадбирни ўтказишдан мақсадимиз мактаблардаги илғор тажрибали ўқитувчиларни ноҳияда танитиш ва уларнинг иш услубини оммалаштириш эди. Биз албатта, бунга эришдик. Мақтовга лойиқ ўқитувчилар жуда кўп эканидан қувондик. Гарчи юқори ўринларни эгаллашмаган бўлсада, 32-мактаб ўқитувчиси Асатилла Қаюмов, 2-мактабдан Марҳамат Носирова, 25-мактабдан Маърифат Валиева, 30-мактабдан Обид Комиловлар иш тажрибасини оммалаштирса арзийди.

Беллашув ғолиблари ноҳия партия, ижроия қўмитаси ҳамда халқ таълими бўлими томонидан таъсис этилган мукофот ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Р. УСМОНОВА.

ИШБИЛАРМОНЛИК САМАРАСИ

Ўрта Чирчиқ ноҳия матлубот жамиятига қарашли тайёрлов идораси ходимлари меҳнаткашлар дастурхонига 100 тоннадан ортиқ колбаса етказиб бериб, 90 минг сўмга яқин даромад қилдилар. Омборларда ҳали яна 110 тонна олма, 10 тонна ҳурмо, 400 тонна картошка, 800 тонна пиёз ва бошқа ёз неъматлари қиш мавсуми учун сақланмоқда.

— Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаш осон эмас,— дейди тайёрлов идораси бошлиғи Элдор Гиляев.— Маҳсулотни ҳеч ким қўшқўллаб келтириб бермайди. Уни уддабуронлик билан тайёрлаш керак бўлади. Йил бошидаёқ ишни янгича ташкил этдик. Уч линияли консерва цехи қурилди. Авжи мавсумда биринчи линия ишга тушди. Натижада исрофгарчиликнинг, энг муҳими маҳсулот бузилишининг олди олинди. Биринчи синовнинг ўзидаёқ 9 минг банка помидор шарбати, 5 минг банка турли тузламалар тайёрланди. Келаси йил қўшимча икки линия ишга туширилгач, 500 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Янги цехда бор-йўғи 12 киши меҳнат қилади.

Ўтаётган йил муваффақиятларидан яна бири бир сменада 750 килограмм колбаса ишлаб чиқарадиган цехнинг ишга туширилиши бўлди. Маҳсулотнинг сифатига қараб 10 сўмдан 15 сўмгача нарх қўйилди. Гўшт тайёрлаш учун сарфланадиган харажатларни камайтириш, сифатини янада яхшилаш ҳисобига харид нархини арзонлаштириш ниятидамиз.

Ишчиларга ҳақ тўлашдаги ўзбилармонликка ҳам чек қўйилди: улар мавсумда ишбай усулида — 200—220 сўмдан ҳақ оладилар. Шу кунларда эса ойлик маош 160—170 сўмданга тўғри келмоқда.

Қўшни жумҳуриятлардан гўшт маҳсулотлари келтириш ҳар томонлама қимматга тушмоқда. Шу мақсадда биз 120 бош қорамол бўрдоқига боқиладиган база қурдик. Мақсад колбаса цехини арзон ва сифатли гўшт билан таъминлашдир. Озуқа экинлари учун 40 гектар суғориладиган ер ажратилган. Бу йил 80 тонна беда, 60 тонна макка дони жамғариб қўйилди. Бўрдоқига боқилаётган моллар учун ҳамма нарса етарли.

(ЎзТАГ мухбири).

• Сўраган эдингиз

«Улуғ Ватан уруши бошлангандан кейин Ленин жасадини Мавзолейдан мамлакатнинг ички ишига олиб кетилган дейишади. Шу тўғрими? Шу ҳақда материал берсангиз.

А. АКРОМОВ,
Янгийўл шаҳри».

Қуйида Альфред Тулчинскийнинг «7 с плюсом» рўзномасида шу ҳақда берилган мақоласини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ПРОФЕССОР ЗБАРСКИЙНИНГ МАХСУС САФАРИ

СВЕРДЛОВСК темир йўли Давлат хавфсизлиги қўмитаси бошлиғи 1941 йилнинг 2 июлида Тюмень бўлими командири капитан Ведерниковни ҳузурига чақирар экан, деди:

— Сенга алоҳида давлат аҳамиятига молик вазифа топширилади. Бу ҳақда ҳеч ким билмаслиги керак. Свердловскка бориб қайтадиган махсус рейс учун учта паровоз ва учта вагонни зудлик билан тахт қилиш даркор. Вагонлар ва паровозларни синчиклаб текшир. Агар арзимаган ишкали бўлса ҳам, билиб қўй... Бизга Ленин жасадини Свердловскдан Тюменга олиб бориш топширилган.

Ведерников мутахассислар гуруҳи билан «Иосиф Сталин» маркали учта паровозни сўнгги муруввватигача кўздан кечирди. Шундай қарорга келинди: махсус соқчилар билан биринчи паровоз олдинда боради. Орқадан иккинчи учта вагон тиркалган асосий паровоз йўлга тушади, ўртадаги вагонда Ленин жасади бўлади. Учинчи паровоз соқчилар билан орқадан пана қилиб боради.

Бундан саккиз кун олдин, урушнинг учинчи кунида соат учда ҳаво хатари сиреналарининг қулоқни қоматга келтирувчи кучли овози ва завод гудоклари Москвани уйқудан уйготиб юборди. Бунинг сабаби тезда маълум бўлди. Бизнинг белгилари бўлмаган бомбардимончи тайёраларимиз топшириқдан қайтаётиб мўлжалдан адашганлар ва тўсатдан Москва устида пайдо бўлганлар. Эртасига рўзномалар тинчлантириш учун хатарни «машқ» деб атадилар.

Кремль коменданти генерал Спиридонов шу куни ўйланиб қолди: агар бу ҳақиқий хатар бўлса нима бўларди? У Москвага ачинарли қисмат хавф солаётганлигини, шундай бўлганда Ленин жасадини сақлаб қолиш ниҳоятда мушкул эканлигини тушунди. Спиридонов шу заҳотиёқ Ленин жасадини эвакуация қилиш таклифи билан Сиёсий бюрога мурожаат қилди.

— Бизнинг доҳиймиз жасадини қаёққа олиб боришни таклиф этасиз? — сўради Сталин.

— Энг яхши жой — Тюмень деб ўйлайман, ўртоқ Сталин. Шаҳар мўъжазгина, ҳарбий объектлар йўқ, мамлакатнинг қоқ марказида жойлашган, унга етиб боришаолмайди.

— Бошқа таклифлар борми? — сўради Сталин.

— Свердловск, — деди кимдир.

Бироқ бу таклиф ўтмади. Бу саноат шаҳри анча машҳур ва муҳим эди. Тюменни танлашди. Эртасига ўша вақтда мўмиёловчи тиббиётчилар марказига бошчилик қилган профессор Борис Ильич Збарскийни чақиртиришди. Збарский эсанкираб қолган эди. У ва унинг раҳбари профессор В. П. Воробьев 1924 йилда Ленин жасадини мўмиёлашган эди. Уни қачонлардир жойидан қўзғатишга тўғри келишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаганди. Тўсатдан мижжа қоқмасди. Рельслар бир-бирига уланган жойдаги ҳар бир сакраш унинг қалбини тирнарди. У умрида ҳеч қачон бундай масъулият сезмаган эди.

Айни шу вақтда Сибирда тюменлик Ведерников гуруҳи ишларди. Темир йўлнинг 350 километр узунликдаги кесмаси синчиклаб текширилган эди. Йўлнинг икки томонида унинг бутун узунлиги давомида ўнларча минг нафар аскарлар ва милиционерлар елкама-елка турардилар. Свердловсклигида етиб келинди. Махсус машиналар кортежи қишлоқ хўжалик техникумининг эски, лекин дурустгина сақланиб қолган ва ишончли биноси томон йўл олди. Бу бино Ленининг вақтинчалик мавзолейи бўлиб турди.

Москвада ҳеч ким бу воқеа ҳақида билмасди. Кишилар Мавзолей ёнида соқчилар шахдам қадамлар ташлаб бир маромда алмашиб туришини кўришарди. Ҳамма ҳарбий вазият туфайли Мавзолей беркитилган деб тушунарди, бироқ унинг ичи бўшлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Тюменнинг ўзида ҳам тўсатдан шаҳар алоҳида аҳамият касб этганлигини органларнинг саноқли энг ишончли ходимларигина билишарди.

1944 йилда Москвадан махсус комиссия мўмиёлаштирилган жасаднинг аҳволини текшириш учун бу ерга келди. Чунки, Збарскийда катта жумбоқлар пайдо бўлди. Комиссия таркибида машҳур хирург Н. Бурденко, академиклар Орбели ва Абрикосовлар бор эди. Жасадни тезроқ Москвага қайтаришга қарор қилдилар. Чунки Тюмендаги шароит доҳий жасадига яхши таъсир қилмаган эди. Шундай қилиб 1945 йилнинг 24 мартида Москвани бомбардимон қилиш ва ўққа тутиш хавфи йўқлигига ҳамманинг ишончи комил бўлгач, жасад махфий равишда пойтахтга олиб келинди. Меҳнаткашлар учун Мавзолей фақат сентябрда очилди.

Етмишинчи йилларда мен Тюменда кўп бўлдим, лекин, уруш вақтида Ленин жасади бу ерда сақланганини ҳеч кимга айтмадим. Айтишларича, эндиликда, унинг махфийлиги қолмади.

• *Вилоят бош имом хатиби билан суҳбат*

ШАЙХ Абдулғани Абдуллаев таниқли диний арбоб, исломшунос олим. Қоҳирадаги Ал-Азҳар» ислом дорилфунунида шариат илмларини таҳсил қилган. Уни йигирма йилдан ортиқроқ вақтдан буён мусулмонлар ҳаёти, оила, аҳлоқ, тарбияга оид ҳамда бошқа ижтимоий масалалар қизиқтириб келади. Унинг 500 дан ортиқ мақола, илмий тадқиқот ишлари «Совет шарқи мусулмонлари» журналида босилиб чиққан. Булар қадимий уламоларнинг таржимаи ҳоли, муҳаддислар, адабиёт олами вакиллари ва уларнинг фаолияти ҳақидадир. А. Абдуллаевнинг араб тилида битилган «Ҳазрати Усмон қуръонлари» китоби Жазоирда нашр қилинган. Айни пайтда у киши халқимизни ўлмас адабий меросимиз «ал-Жомеъ ас саҳиҳ» асари билан баҳраманд қилишга бел боғлаганлар. 1200 йил муқаддам яшаб ижод қилган улуғ ватандошимиз Ал-Бухорийнинг жаҳонга машҳур китоби ҳадемай ўзбек ўқувчилари қўлига тегади. Тўрт жилдлик бу катта асарнинг тўртинчи жилдини А. Абдуллаев арабчадан таржима қилиб ўзбек Қомуси таҳририятига топширдилар.

Суҳбатдошимиз 1990 йил ёзида Тошкент вилояти Бош имом хатиби этиб сайланган эдилар. Ўтган вақт ичида қилинган ишлар, олдинда турган режалар хусусида сўзлаб бердилар.

Абдулғани АБДУЛЛАЕВ:

«ЎНГЛАНИШ ОМИЛИ ИЛМУ ОДОБДУР»

— БИЗ олдимизга қўйилган вазифаларни Бош имомхатиблик қошидаги уламолар кенгаши орқали амалга оширамиз. 5 кишидан иборат қилиб сайланган бу кенгаш вилоятимизда ислом динини тўғри юритиш, жойларда мусулмонларнинг муаммоларини ўрганиб, ҳал қилиб боришга даъват этилган.

Шуни мамнуният билан таъкидлаймизки, кейинги икки-уч йил ичида деярли ҳамма қишлоқларимизда масжидлар очилди. Эскидан ишлаб фаолият олиб келаётган Янгиота, «Қози маҳалла» (Чиноз), Катта масжид (Тўйтепа), Бекобод шаҳар, Оққўрғон, Чирчиқ масжидларида кўплаб жамоа тўпланиб 5 вақт намоз ўқиб турилибди. Ҳозир 8 та масжид қуриляпти. 37 тасида таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Ҳадемай Олмалиқ шаҳрида, Зафарда (Бекобод), Пахта (Чиноз) қишлоғида масжидлар қурилиб, мусулмонлар эҳтиёжлари қондирилади.

Масжидларимизга махсус тайёрланган кадрлар етишмаётганлиги қийнаяпти. Мадрасада таълим олиб чиққан имом хатиблар етарли эмас. Шу сабабли ҳар жума масжидларга бориб, муҳим масалаларда ваъзлар қилиб турамиз, меҳнаткашларнинг динга алоқадор саволларига тўғри жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

— **Тошкент вилоятида ҳам ўтмиш аждодларимиз номи билан боғлиқ зиёратгоҳ, муқаддас жойлар бор. Сиз улардан қайсиларини алоҳида кўрсатиб ўтасиз?**

— Ўтмишда халқимиз ихлос қўйган, ўзининг самарали фаолияти билан элга танилган, илмли ёки кароматли машҳур кишилар вилоятимиз ҳудудида ҳам яшаган. Занги ота, Ҳазрати Мулло (Бекобод ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалиги ҳудудида), Адҳам Сахоба (Тўйтепа), Парпи ота (Олмалиқ шаҳри) ва бошқаларни тилга олиш мумкин. Булар асосан маҳаллий азиз-авлиёлар эди. Улар орасида Занги ота номи билан тарихга кирган ватандошимизни алоҳида таъкидлаш лозим.

Асли исми Ойхўжа ибн Тошхўжа бўлган бу одам табиатан қора бўлганлигидан Занги (Занжи) номини олган. Туркий тилда ёзилиб бир вақтлар Ҳиндистонда чиққан «Тазкиратул авлиё», «Ғазинатул асфиё» китобларида у киши Хўжа Аҳмад Яссавий авлодларидан бўлганлиги айтилади. Сулаймон Боқирғонийнинг рафиқаси бўлган Анбар отин эри вафотидан кейин Занги отага турмушга чиққан. Чорвачилик билан шуғулланувчи халқнинг пири бўлган бу кароматли инсон шу ерли аҳолини иқтисодий ва руҳий жиҳатдан кўтаришга жуда катта ҳисса қўшганлар.

Анбар отин эса эрга ниҳоятда эътиборлилиги, меҳрибонлиги билан шуҳрат топган. Бу аёл эрни ҳурмат қилишнинг юксак намунасини кўрсатган (ривоят қилишларича Занги ота чанқаганда ичадиган суви ҳамма вақт тахт бўлган экан: Анбар отин кўзани совқ кунларда бағрига босиб иситиб турар экан).

Занги ота қабри ҳозирги ёдгорлик гумбази остидадир. Бу мақбара биз учун маънавий мерос ҳисобланади. Чунки унинг ҳозирги шаклини улуғ султон ва мутафаккир олим Улуғбек қурдирган. Лекин афсуски, бу ердаги таъмирлаш ишлари ачинарли аҳволда. Ёдгорлик пештоқини тузата бошлаганларига 22 йил бўлди, аммо ҳали уни рисолага келтириш учун яна ўн йил кетса керак. Самарқанддан олиб келинадиган усталар ишни ниҳоясига етказмай кетиб қолишади. Бу ердаги мадраса ҳам бизга XVII аср ёдгорлиги сифатида қиммат ли мерос ҳисобланади. Лекин бу бино ҳам таъмирланишга муҳтож. Ёғингарчилик бўлса ичи сувга тўлади. Зиёратчиларни кутиб оладиган жой йўқ. Ваҳоланки, бу табаррук ерга бутун Ўрта Осиёдан одамлар ихлос билан қишин-ёзин келиб туришади. Маданият вазирлиги бош таъмирлаш бошқармаси бу ҳайрли ишга муносабатини тубдан ўзгартирмаса бўлмайди.

— **Тақсир, улуғ алломаларимиз ҳақида гап очдингиз. Улар қолдирган мерос, биз замондошлар учун бу меросниг аҳамияти ҳақида тўхталсангиз.**

— Бизнинг ўтмишдошларимиз тафсир ва ҳадисдан ташқари фиқҳ илмининг буюк намояндалари, ҳуқуқшунос олимлар сифатида ҳам жаҳонга танилганлар. XI асрда яшаган асли бухоролик имом Сарахсий 60 жилдлик китоб битган. Унинг асарлари ҳозир Ироқда босиб чиқарилган. Яна бир улуғ ҳуқуқшунос Абу Саҳл ас-Сарахсийдир. У кишининг ўн олти йил умри зиндонда ўтган. Ана шу тутқунлик шароитида ҳам бу аллома илм тараққиётига катта ҳисса қўшган. У айтиб турганларини шогирдлари ёзиб олишган. 15 жилдлик «Ал-Мабсут» деб аталган бу катта китоб қўлёзмаси асримиз бошигача Марокашда сақланган экан. Ундан ҳозирги вақтда кўплаб нусхалар босилиб чиқди. Миср, Тунис ва бошқа Шарқ мамлакатларида ватандошимизнинг ана шу китобида баён қилинган фикрлар асосида иш юритилади.

Шунингдек Маҳмуд Ўзгандий (XII аср)нинг «Фатовойи Қозихон» ва бошқа асарлари ҳам ҳорижда машҳурдир.

Замахшарий, Насафий сингари тафсирчи олимлар ўз замонасида илмда жуда илгарилаб кетишган эди. Муқаддас Қуръон китобини шарҳлашда араб олимлари ҳозиргача уларнинг асарларига мурожаат қилибгина янги тафсир китобларни ёзадилар. Нажмиддин Умар Насафий юртимизга ислом кириб келгандан то ўзи яшаган давргача (XII аср) бўлган Ўрта Осиё, хусусан Самарқанд тарихини мукаммал ёзиб қолдирган. Унинг асарини қидириб топиб, нашр этсак биз ўлда-жўлда биладиган тарихимизнинг кўп саҳифалари ойдинлашган бўлур эди.

1180 йилда вафот этган Марғиноний ҳам буюк илм кишиларидан ҳисобланади. Унинг «Ҳидоя» деб аталган машҳур асари яқин-яқинларгача ҳуқуқ масалаларида жуда фойдали манба ҳисобланиб келганки, XIX асрнинг охирида ҳам инглиз тилига таржима бўлган. Бу китоб ёшдаёқ ҳадис илмининг етук намоёндаси бўлган. Дунёга машҳур араб муҳаддиси Фарохидий 500 дан ортиқроқ ҳадисни йиғган бўлса, имом Бухорий 7 минг 10 та ҳадисни тўплашга муваффақ бўлган. Асрлар давомида ислом оламида ҳеч бир мактаб, мадраса йўққи, ҳеч бир олиму уламо йўққи, унинг китобидан ўқимаган ва ундан баҳраманд бўлмаган бўлсин. Юртимизни машҳур қилган, Бухорои шариф деб дунёга таратган ҳам ана шу алломадир. Демоқчиманки, элюртни шундай улуғ кишилар шон-шарафга чулғаб, қадрини оширади, илму одоб инсонни камолотга етказади.

— **Шундай экан, ҳозирги оғир, мураккаб давримизда, жамиятимизни поклаш, соғломлаштириш, инсон тарбиясини тўғри йўлга солиш борасида дин пешволаримиз нималарга кўпроқ эътиборларини қаратмоқдалар?**

— Тақдирга шоён таҳсинлар бўлсинким, ақлу одоб; инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб қилишда диннинг мавқеи эътироф этилди. Зотан исломда ҳалол ва ҳаром аниқ қилиб айтилган. Бировнинг молини ўғирлаш, арақ ичиш, гиёҳвандлик қаттиқ қораланиши азалдан маълум бўлсада, биз буни қайта-қайта таъкидлаб ўтамиз. Ота-онани ҳурмат қилиш ҳар бир мўминнинг бурчики, бу оилани мустаҳкамлашнинг асосидир. Тарбия борасида ислом қаттиқ қоралаган масалалар ёшлар қулоғига қўйилмоқда. Масалан, зино энг ёмон иш эканлигини ҳар бир мусулмон фарзанди билиши керак. Афсуски тарбиясизлик кўп гуноҳлар содир этилишига олиб келмоқда. Ўтган бир йил ичида жумҳуриятда беникоҳ дунё юзини кўрган бир неча юзлаб гўдак нобуд қилинибди. Орият кучлилик қилиб шундай йўлни тутишадики, бу билан яна катта гуноҳга ботганликларини билишмайди.

Оилани мустаҳкамлаш, турмушга оид турли низоли масалаларни ҳал этиб, ёшларга ёрдам беришга имом-хатиблар қўлдан келганча кўмаклашишмоқда. Масалан, Зафарда оилаларни бузилиб кетишдан сақлаб қолиш учун кекса диндорлар кенгашини тузишди.

Тарбия соҳасида ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Бизнингча мактабларда ўғил-қизларимизга таълим беришда анъаналаримиз, миллий урф-одатларимиз ҳисобга олиниши керак. Қизлар алоҳида, ўғил болалар алоҳида ўқитилса (ҳеч бўлмаса 8 синфдан) мақсадга мувофиқ бўлур эди. Кўпгина хорижий мусулмон мамлакатларда ана шундай тартиб бор.

— **Ўринсиз ва зарарли одатлар, ҳар хил бидъатларга барҳам беришда дин арбобларининг таъсири ва мавқеи, шубҳасиз, катта. Вилоятимиз аҳолиси баъзи жойларда билар-билмас ортиқча расм-русмларни жорий этиб келмоқдалар, ҳатто ислом дини талаби шундай деб иш тутишгача бормоқдалар...**

— Дин ўз вазифасини тўғри бажариши керак, халқ ҳам исломни тўғри тушуниши керак. Айтайлик, баъзи жойларда айрим таъмагир шахслар турли маросимлар учун одамлардан пул талаб қилаётганлигини эшитиб қоламиз. Ислом таълимоти бўйича маросим бажарилгани учун пул талаб қилиш ман қилинган. Лекин мусулмонлар ўз ихтиёрлари билан масжидлар фойдасига молиявий ёрдам қилсалар уларга савоб бўлур. Масжид қуриладими ёки масжидга ёрдам қилиш керакми, тўй ё бошқа маросим ўтказиладими, уларда одамларнинг хайрияси, пул бериши мутлақо ихтиёрийдир.

Баъзи қишлоқларда дафн маросими чоғида чой ёки пул улашиш, ё бўлмаса мато йиртиш одатлари бор. Баъзида юз бетини тирнаб қон чиқариб марҳумга йиғлаш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Булар ҳаммаси бидъат, шариат асло буюрмаган одатлардир.

Майит чиққан хонадонга ёрдам бериш (арабларда, Кавказ халқларида, бошқа жойдаги кўп мусулмонлар орасида мусибатхонага баҳоли қудрат ёрдам қилинади) шариатга мувофиқ иш бўлади. Дин арбобларининг вазифаси мусибат кунларида бўлсин, бошқа маросимлар ўтказилаётган бўлсин, халққа иложи борича енгиллик яратишни ўйлашдир. Буни ҳаммавақт ёддан чиқармаслик лозим.

Шунинг учун халқимиз қадим замонларда яшаган алломаларимиз илмидан, азалий яхши одатларимиздан бохабар бўлишлари, улуғ зотларимиз тарғиб қилган ғоялар, орзуларга амал қилиб, уни рўёбга чиқаришлари керак. Қисқаси ҳам маънавий, ҳам иқтисодий ўнгланишимиз учун илму одобни ҳар томонлама пухта эгаллаш талаб қилинади.

Суҳбатдошимиз милодий Янги йил бўсағасида вилоятимиз меҳнаткашларини табриклаб, яхши ниятларини изҳор этиш билан бирга ҳижрий сана бўйича янги йил 12 июль куни бошланишини эслатдилар. Шунда ҳижрий ҳисоб билан 1412 йил киради.

Суҳбатдош С. МУСАЕВ.

● Оржоникидзе ноҳиясидаги «Ленинград» парранда-лар наслини яхшилаш ва тухум етиштириш фермасининг жамоаси 1990 йилда режадагидан 210 минг дона кўп тухум, 95 тоннадан ортиқ товуқ гўшти олди. Суратда: директор Д. Аҳмедов парандабоқарлар даврасида.

Шербек ИБРОҲИМОВ суратга олган.

ИШОНГИНГ КЕЛАДИ

МАҲАЛЛИЙ кенгашларга бўлиб ўтган янги сайловлар кенгашлар фаолиятида қайта қуришнинг асоси бўлди, дейиш мумкин. Халқ биринчи марта муқобил номзодлар орасидан ўзи ишонган депутатларни танлаб олди. Бу ўзининг самарасини бердими? Шуни айтиш керакки, Иттифоқ, жумҳурият миқёсида бунинг таъсири сезилди. Шунинг учун ҳам ҳаммамиз ССЖИ халқ депутатлари ҳамда жумҳурият халқ депутатларининг съездларини зўр қизиқиш билан кузатмоқдамиз. Уларда иштирок этаётган депутатларнинг беистисно ҳар биридан танг вазиятни бартараф этиш юзасидан таклиф, мулоҳазалар кутмоқдамиз. Сир эмас, одамлар, сайловчилар ҳам бирон масала бўйича одатда ССЖИ ё Ўзбекистон ССЖ халқ депутатларига мурожаат қилмоқдалар. Хўш, нега шундай, нега энди сайловчилар жойларда Ўзлари овоз берган вилоят, ноҳия ёки шаҳар кенгаши депутатига бу қадар эътиборли муносабатда бўлмайдилар. Чунки кенгашларнинг қуйи ташкилотларида халқ вакиллари улар кутганчалик фаоллик кўрсатмаяптилар. Буни тан олмасдан илож йўқ.

Аслида ушбу мақоланинг пойдевори вилоят кенгашининг яқинда бўлиб ўтган тўртинчи сессиясида яратилган эди. Унда вилоят кенгаши депутатларининг сессиялар ва доимий комиссиялар ишидаги иштироки тўғрисида маъруза қилган мандат комиссияси раиси М. Икромов шундай фактларни келтирдики, очиғи ундан айрим вилоят кенгаши депутатларининг ўз ваколати масъулиятини ҳис қилишларига ҳам гумонсираб қоласан киши. Масалан, вилоят кенгашининг I, II, III сессияларида сайланган депутатларнинг 89—76 фоизи иштирок этганлигини қониқарли дея оламизми? Менимча, йўқ.

Сессияларга Олмалиқ шаҳридан Н. И. Дмитриева, И. Қ. Муртазоев, Ангрен шаҳридан Ермолина, Бекобод шаҳридан Беленко, Ғалаба ноҳиясидан Н. Мадаминов, Калинин ноҳиясидан Д. Азимов, Коммунистик ноҳиясидан З. Муротова, Оржоникидзе ноҳиясидан Н. Тожибоев, Пискент ноҳиясидан С. Ҳайдарова, Ўрта Чирчиқ ноҳиясидан А. Турдиев, Тошкент ноҳиясидан А. Абдусатторов, М. Турғунова ва бошқа бир қатор депутатларнинг ҳеч қандай сабабсиз иштирок этмаганликларини қандай баҳолашга ҳам ҳайронсан.

Маълумки вилоят кенгаши ишининг қай даражада ташкил этилиши, сессияларнинг кун тартибига энг долзарб бўлиб турган масалаларнинг киритилишида доимий комиссиялар алоҳида роль ўйнайди. Вилоят кенгашида 14 та ана шундай доимий комиссия бўлиб, барча депутатлар уларнинг аъзоларидирлар. Тўғри, бу борада ўз фаолиятини қатъий изга солиб, аниқ ва изчил ишларни амалга ошираётган доимий комиссиялар бор, албатта. Жумладан, транспорт ва йўл хўжалиги бўйича (раиси Э. Дадажонов), аграр масалалар, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича (раиси Б. Тошхўжаев), ресурслар, тошни қайта ишлаш заводи директори А. Насибуллин, «Ташкентводстрой» трестига қарашли 4-кўчма механизациялашган колонна бўлим бошлиғи А. Нурматовларга «Волга» автомашинаси олиш учун заём сотиб, жуда тўғри иш қилишди. Шулар турганда қаёқдаги ишчи ёки колхозчи «Волга» минса инсофсизлик бўларди. 125-автотранспорт корхонаси директори Т. Аширбоевга «Москвич», А. В. Боршчга «ВАЗ-2109» тегди.

Ғалаба ноҳиясида ҳам жуда «улуғ» иш қилишди: енгил автомашиналар олиш учун ажратилган заёмларни молия бўлими, жамғарма банки, матлубот жамияти, ноҳия маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмасига тақсимлаб юборишди. Янгийўл автотранспорт корхонаси директори А. Анорқулов, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати директори К. Мўминов, «Узсантехгазмонтаж» трестининг Янгийўлдаги бошқармаси бошлиғи Б. Ф. Самогреев бир-икки йил ўтгач, яп-янги «Волга» автомашинасига эга бўлишади. Уларга заёмлар касаба уюшма қарорисиз бериб юборилиб, Хўш, нима бўпти? Шунга ҳам нозиктаъб раҳбарларнинг таъбини хира қилиш, «Нима учун сизлар машина минасизу, биз минмаймиз?», деб сўроққа тутиш лозимми? Раҳбар бўлгандан кейин оддий одамлардан сал-пал ажралиб туришлари керак-да!

«Простой» одамлар ўз пулларига ҳам эплаб бирор нарса ололмайдилар. Қаранг-эди. Қарорда заёмлар бўлмаган тақдирда ўша жойнинг ўзида аҳолидан тушган маблағларни расмийлаштириш, харидорларга 1 октябрдан кечиктирмай заём облигацияларини топшириш кўрсатилганди. Афсуски бошқарма маъмурияти бу топшириқни бажармади. 1 октябргача жамғарма банкининг жойлардаги муассасалари 11,9 миллион сўмлик (планга нисбатан 28,1 фоиз) заёмни тарқатдилар, холос. Худди шу муддатга келиб, вилоят бўйича 30,5 миллион сўмлик ноёб моллар учун заёмлар сотилмай қолди.

Вилоят молия ва жамғарма банки бошқармалари шу йилнинг II—III кварталлари давомида заёмларни тақсимлаш ҳамда сотиш ишларини бирон марта ҳам текшириб кўрмадилар.

Энди йўл қўйилган хатолар, эътиборсизликни тузатиш учун аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, давра суҳбатлари уюштириш, меҳнат жамоалари, маҳалла комитетларида учрашувлар уюштириш лозим. Вилоят жамғарма банки бошқармаси заёмларни реализация қилишда намуна кўрсатган ходимларни мукофотлаш тадбирларини ишлаб чиқиши зарур.

Хулоса, ҳайрли ишлар айрим эътиборсиз раҳбарлар даврасида, кабинетларда қолиб кетмаслиги, «Фақат ўзимиз билайлик» қабилида халқдан яшириб иш кўришларга барҳам бериш керак.

В. ТЮРИН,
вилоят халқ назорати қўмитасининг штатсиз бўлим мудири.

✦ ✦ ✦

Кенгашлар ва қайта қуриш

✦ ✦ ✦

байналмилал тарбия, тил ва тарихий ёдгорликларни сақлаш масалалари бўйича, қишлоқда турар-жой ва коммунал хўжаликни ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича шуғулланувчи ва қатор доимий комиссияларнинг иши ҳам кўнгилдагидек эмас.

Биз бугун ҳамма нарсани қуйидан бошлаш керак, демоқдамиз. Тўғри фикр. Лекин ишни қуйидан ривожлантирмоқ учун қуйи ташкилотлар фаолроқ бўлиши ҳам лозим-ку, ахир. Вилоят кенгашида ҳозирча бунинг акси бўляпти. Сабабини юқоридаги фактлар аниқ-равшан ифодалаб турибди. Нима, доимий комиссиялар ўз йиғилишларида кўриб чиқиб, сессияга таклиф этиши мумкин бўлган масалалар вилоятда озми? Жуда кўп. Биргина мисол. Ҳозир барча ноҳия ва шаҳарларда аҳолига уй-жой қуриш учун ер ажратилмоқда. Аммо қурилиш материалларининг танқислиги, бошқа муаммолар аҳолини қийнамоқда. Шундай экан, қурилиш ва алоқа масалалари бўйича доимий комиссия бу ўткир муаммонинг сабабларини пухта ўрганиб, ўз таклиф-мулоҳазаларини вилоят кенгаши раёсатига бериши мумкин эдику. Масалага тааллуқли бўлган яна бир факт. Халқимизда режани пухта олганнинг иши ҳам пухта бўлади дейишади. Минг афсуски, йил якунланибди-ю биз юқорида тилга олган бошқа биронта доимий комиссия 1991 йил иш режасини тузмабди. Бу борада ортиқча изоҳга ҳожат ҳам йўқ деб ўйлайман. Назаримда бугунги аҳволнинг юзага келишида айнан ана шулар, қуйининг пассивлиги сабаб бўлаётгандек туюлади.

Ўрни келганда вилоят кенгашининг сессиялари ҳақидаги шахсий фикр мулоҳазаларни ҳам билдириб ўтмоқчиман. Очиғи улардан кўнглим тўлмаяпти. Тўғри, вилоят кенгаши раёсати масалаларни бир неча марта муҳокама қилиб, сўнг сессия кун тартибига киритяпти. Лекин сессияларда бу масалаларнинг аксарияти деярли муҳокама ҳам бўлмасдан қабул қилинмоқда. Ваҳоланки, уларнинг кўпчилиги муҳокама талабдир. Баъзан депутатларимизнинг сессияларда лоқайд ўтирганликларини кўриб нимага келишган ўзи, деган фикр хаёлимдан ўтади. Яна бир мулоҳаза. Вилоят кенгаши сессияларида жуда кўп қарорлар қабул қилинмоқда. Лекин негадир уларнинг жойлардаги ижроси билан ҳеч ким қизиқмаяпти. Бирон сессияда ҳам депутатларнинг бу ҳақда гапирганларини кўрмадим. Гўё депутатлар сессия кун тартибидаги масалалардан мутлақо бехабарлар ёки уларга бунинг қизиғи йўқдек туюлади. Менимча депутат ўз фикрига, мулоҳазасига эга бўлиши, ҳар бир масалага овоз бераётганда фақат ўз номидан эмас, сайловчилари номидан қўл кўтараётганлигини ҳеч вақт унутмаслиги керак.

Албатта, бу гаплар билан барча депутатлар ишончни оқламаяпти демоқчи эмасман. Уларнинг орасида ўз вазифасига сидқидиллик билан ёндашаётганлар, халқнинг, сайловчиларнинг раҳматини олаётганлари ҳам бор. Агар вилоят депутати ҳам астойдил ҳаракат қилса наказларни бажариш учун ўз ваколати, ҳақ-ҳуқуқидан фойдаланса кўп иш қилишга қодир. Масалан, Бўка ноҳиясидаги 111-Қорақўйли сайлов мавзесидан бир неча муқобил номзодлар ичидан сайланган депутат, боғча мудираси Рокия Ҳамроева ўзининг саъйи ҳаракати билан ҳатто жумҳурият, ССЖИ халқ депутатлари бажара олмаётган муаммоларни ҳал этмоқда. Халқнинг раҳматини олмоқда. Лекин бундайлар сафи очиғини айтганда ҳали кам.

Бугун давлатни парламент йўли билан бошқариш, парламент орқали халқнинг талаб-истакларини амалга ошириш ҳақида кўп гапирилмоқда. Вилоят кенгаши ана шундай масъулиятни бўйнига олиши ва унга кучи, қудрати, малакаси етадиган ташкилот бўлиши лозим эмасми? Балки бунга тўлиқ эришиш учун кенгаш ишини шарт-шароитга қараб такомиллаштириш керакдир, балки наказлар билан ишлаш гуруҳи тузиш, ҳеч бўлмаса доимий комиссияларнинг раисларини асосий ишдан озод қилиб, депутатлик фаолиятига жалб этилар, балки вилоят кенгаши депутатларига озгина миқдорда бўлса ҳам маош белгилаш орқали уларнинг фаолиятини жонлантириш лозимдир. Бу менинг шахсий фикрларим, албатта. Лекин бир нарса аниқ. Вилоят кенгаши депутатлари том маънода ҳокимиятни қўлга олишлари керак. Ишда кескин ўзгариш ясаш лозим. Бу давр талаби, халқ талабидир.

1991 йилга қадам қўйдик. Бу йил менда барча соҳа қатори кенгашлар ишида ҳам яхши томонга олға силжиш бўлади, деган ишонч уйғонади.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

«ФАҚАТ ЎЗИМИЗ БИЛАЙЛИК...»

• *Вилоят халқ назорати қўмитасида*

Қуйидаги ҳангомага қулоқ солинг: мамлакатдаги молиявий аҳволни соғломлаштириш, пул муомаласини барқарорлаштириш, ички истеъмол бозорини 1990—1992 йиллар мобайнида моллар билан тўлдириш мақсадида ССЖИ Вазирлар Кенгашининг қарори бўйича фоизсиз заёмлар чиқарилган эди. Бу заёмларни сотиб олган кишилар келгусида ҳозир ниҳоятда ноёб бўлиб қолган буюмларни, масалан, телевизор, видео аппаратлари, тикув ҳамда кир ювиш машиналарига эга бўладилар. Агар уларнинг нархлари ошган тақдирда ҳам заём эгаларига эски нархда сотилади. Лекин автомашина учун заём сотиб олган киши нарх ошган тақдирда ўртадаги фарқни тўлайди.

Вилоят ижроия комитети вилоят молия бошқармаси, вилоят жамғарма банки бошқармаси ҳамда вилоятдаги барча ижроия комитетларига идора, ташкилот, муассасалар, шунингдек, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш вазифасини топширган эди. Тасдиқланган тартибга кўра вилоят ва шаҳарларга фоизсиз заёмлар орқали 995 та холодильник, 1662 та тикув, 206 та кир ювиш машинаси, «СВЧ» маркали 707 та печ, 4339 та видеомагнитофон, 14562 та рангли телевизор, 3356 та компьютер, 836 та аравачали мотоцикл, 190 та ихчам трактор, «ГАЗ-2410» маркали 94 та, 187 та «ВАЗ-2108», 94 та «ВАЗ-2109», 328 та «ЗАЗ-1102» (Таврия), 422 та «Москвич» енгил автомашиналари тақсимланди.

Молиявий аҳволимизни ўнглаб олиш учун катта аҳамиятга эга бўлган бу тадбир яна совуққонлик ва масъулиятсизлик қўрғонига урилиб, тўхтаб қолди. Баъзи эпчил «ишбилармонлар» халққа ҳеч нарсани билдирмадилар, ҳамма нарсани ўзларича ими-жимида ҳал қилдилар.

Шундай қилиб, социал адолат тартиби бузилди. Масалан, Бўстонлиқ ноҳиясидаги «Новгород» шўро хўжалиги маъмурияти ҳамда касаба уюшманинг 7 нафар аъзоси хўжалик учун ажратилган заём масаласини жамоага билдирмасдан ҳал қилдилар.

Тўғри-да, оддий кишиларга «24» автомашинаси минишни ким қўйибди?! У савлатли-савлатли раҳбарларга ярашади. Бизнингча, ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари З. Саидкаримов, тошни қайта ишлаш заводи директори А. Насибуллин, «Ташкентводстрой» трестига қарашли 4-кўчма механизациялашган колонна бўлим бошлиғи А. Нурматовларга «Волга» автомашинаси олиш учун заём сотиб, жуда тўғри иш қилишди. Шулар турганда қаёқдаги ишчи ёки колхозчи «Волга» минса инсофсизлик бўларди. 125-автотранспорт корхонаси директори Т. Аширбоевга «Москвич», А. В. Боршчга «ВАЗ-2109» тегди.

Ғалаба ноҳиясида ҳам жуда «улуғ» иш қилишди: енгил автомашиналар олиш учун ажратилган заёмларни молия бўлими, жамғарма банки, матлубот жамияти, ноҳия маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмасига тақсимлаб юборишди. Янгийўл автотранспорт корхонаси директори А. Анорқулов, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати директори К. Мўминов, «Узсантехгазмонтаж» трестининг Янгийўлдаги бошқармаси бошлиғи Б. Ф. Самогреев бир-икки йил ўтгач, яп-янги «Волга» автомашинасига эга бўлишади. Уларга заёмлар касаба уюшма қарорисиз бериб юборилиб, Хўш, нима бўпти? Шунга ҳам нозиктаъб раҳбарларнинг таъбини хира қилиш, «Нима учун сизлар машина минасизу, биз минмаймиз?», деб сўроққа тутиш лозимми? Раҳбар бўлгандан кейин оддий одамлардан сал-пал ажралиб туришлари керак-да!

«Простой» одамлар ўз пулларига ҳам эплаб бирор нарса ололмайдилар. Қаранг-ки, чирчиқлик бир киши бошқа ердан фоизсиз заём сотиб олибди. Кейин Чирчиққа келиб, машина олиш учун шу ерда ҳисобда тураман, дебди. Унга: «Бор-бор, қаердан заём олган бўлсанг, ўша ерда ҳисобда тур», деб жеркиб беришибди. «Простой» одам-да. Агар раҳбар бўлганда: «Бу заём ҳам лотереяга ўхшаган гап. Қаердан олсангиз ҳам барибир», деб бир зумда ҳисобга ёзиб қўйишарди.

Вилоят ижроия комитети ўзининг шу йил 12 июндаги қарорида вилоят жамғарма банки бошқармаси (бошқарувчиси В. П. Жук)га шу йилнинг 1 июлигача корхона ва ташкилот жамоалари орқали фоизсиз заёмларни тақсимлаш ишларини тугаллаш вазифасини топширган эди.

Вилоят халқ назорати қўмитасининг штатсиз бўлим мудири В. ТЮРИН.

«МЕНИНГ ЖОНАЖОН ТАРИХИМ»

Истеъдодли тарихчи олим Гога Аброрович Ҳидоятов жумҳуриятимиз ва Ўрта Осиё халқлари тўғрисидаги ўзининг бир қатор тарихий-илмий тадқиқотлари билан машҳурдир. Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти рус тилида унинг «Менинг жонажон тарихим» («Моя родная история») ўқув қўлланмасини нашр қилди.

Мазкур асар Ўрта Осиё халқлари тарихининг ибтидоий жамоа тузумидан тортиб то XX аср бошларигача бўлган даврни етти бўлимда, жонли тарихий тилда ифода қилади. Ўқув қўлланмада қайд қилинишича, Ўрта Осиё ва унинг халқларининг тарихи жуда мураккаб бўлган. Ҳар бир даврга эътибор берар экансиз, унинг оғир ва изтиробли тарихий йўлига назар ташлайсиз:, татар-мўғул босқинчилиги, Амир Темурнинг суронли юришлари, шоҳларнинг ўзаро келишмовчилиги натижасидаги жанжаллари ва халқ қўзғолонларини назарда тутиш мумкин. Айни бир пайтда халқ ичидан отилиб чиққан олимлар, санъаткорлар, халқ усталари ва уларнинг жаҳонга машҳур илмий-тадқиқотлари, шеърий лирик асарлари бугунги кунда ҳам дунё тарихида ўз ўрнини эгаллаган. Ахир илмшунослик шу ўлка — Ўрта Осиёнинг қомусий олимлари томонидан бошланганку! Абу Али ибн Сино — тиббиёт фани асосчиси бўлса, Ал Хоразмий — риёзиёт, Абу Райҳон Беруний — жўғрофия, чизмачилик, коинотни ўрганиш каби фанларнинг асосчисидир.

Китобни варақлар экансиз, жонажон она тарихимизга бўлган муҳаббатингиз яна бир карра ошади. Боиси — профессор, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган фан арбоби Гога Аброрович ушбу ўқув қўлланмасида тарихий ҳақиқатга баҳо беришнинг холис йўлини танлади. Бугунги қайта қуришни ўтмишга бўлган ҳаққоний муносабат билан белгилаш лозимлигини олим ўзининг асарида танқидий ва принципиал таҳлил қилиб берди.

Китоб жавонингизга

Тарихий даврнинг қайси жиҳатини олманг, «Оқ доғлар» ҳамон кўзга ташланади, буни биз жумҳуриятимиз халқлари тарихи мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шуни ҳисобга олиб, Г. А. Ҳидоятов тарихий ҳақиқатнинг ҳар бир мисқолини тарихий илмий таҳлил қилади. Жумладан, еттинчи бўлимда Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши тарихий ҳақиқат — рус чоризми томонидан босиб олиниши эканлигини биринчи тарихчилар сифатида ифода қилди.

Ҳозирги кунгача жумҳуриятимиз тарихчилари бу масалада иккиланиб келишарди. Г. А. Ҳидоятов эса айнан 1850 йилларнинг охирларида, 60—70 йилларда чоризм томонидан олиб борилган босқинчиликларига ҳаққоний ёндашган. Маълумки, В. И. Ленин «Россияда капитализмнинг тараққийси» номли муҳим асарида Ўрта Осиё ўлкасининг рус чоризми томонидан босиб олинганлиғини қайд қилган эди. Бу жараён 1930 йилларгача тарихимизда ҳаққоний акс эттирилди. Сўнгги 60 йил мобайнида чоризмнинг «босиб олиниши» — «қўшиб олиниши» жумласига айлантирилди. Эндиликда тарихий ҳақиқат қарор топди.

Муаллифга баъзи мулоҳазаларимиз ҳам йўқ эмас. Энг аввало, зудлик билан ушбу ўқув қўлланманинг иккинчи қисми — XX аср бошларидан то ҳозирги кунгача бўлган даврни тарихий таҳлилнинг холис кўзгусидан ўтказиб талабалар, ўқувчиларга етказиш керак;

Иккинчидан, ушбу ўқув қўлланмасини ўзбек тилида чоп қилиб, жумҳуриятимиз халқлари тарихини ўрганувчиларга тақдим қилиш мақсадга мувофиқдир;

Учинчидан, ушбу китоб рус нашрида 21 минг нусхада чоп қилинган бўлса, ўзбек тилида 3—4 марта кўп нусхада нашр қилинса, айни муддао бўлар эди. Негаки, ҳозирги пайтда рус тилидаги ушбу китоб нусхасини китоб дўконларидан топиш амри маҳол бўлиб қолди. Жумҳуриятимиз аҳлининг ҳаққоний тарихий ўтмишга бўлган қизиқиши шуни тақозо этмоқда.

К. НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.
А. УМАРАЛИЕВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

АРЧА АТРОФИДА ЎЙНАЙМИЗ

Сергели ноҳия ижроия қўмитаси биноси олдидаги майдонда безатилган арча атрофида болаларнинг янги йил томошалари бўлиб ўтди. Бу ерга йиғилган кичкинтойлар ҳузурига Қорбобо, Қорқиз ва эртак қаҳрамонлари ташриф буюрдилар. Улар болаларни қувноқ ўйин-кулгига таклиф қилдилар.

Суратларда: янги йил арча байрами томошаларидан лавҳалар.

М. НАЗАРОВ суратлари.

• Бизнинг мусоҳаба

Рўзномамизнинг олдинги сонида иқтисод фанлари номзоди Ф. Рўзиев ва тарих фанлари доктори А. Ўринбоевларнинг Янги йил мусоҳабалари билан танишган эдингиз. Бугун худди ўша уч саволга яна икки соҳа эгаси жавоб бераднлар.

1. Ўтган 1990 йил сизда қандай таассурот қолдирди?
1. Янги йилдан нималарни кутаяпсиз?
3. Янги йил истакларингиз?



Соат ШАРИПОВ: «Қувноқлар ва зукколар» телекўрсатувининг муаллифи:

1. Очиғини айтсам, ўтган 1990 йил мен учун омадли бўлди. Тўғри, ҳар йилгидек учраган айрим қийинчиликларни ҳисобга олмаганда. Ёзда Италия бўйлаб сафар қилдим. Янги йилни рафиқам Гулсарахон билан бирга Кубада кутиб олдимиз.

Кузатиб қўйган йилимиз от йили бўлганлиги сабабли «Қувноқлар ва зукколар» телекўрсатувини от аравада бошлагандик. Афсуски отимизни равон югуришига айрим тўсиқлар панд берди. «Яхши от кейин чопади» мақоли тўғри шекилли, бизнинг отимиз ҳам мана кечикиб бўлсада яна дадил одимлаб кетди. Шарқий мучалга ишонадиган бўлсак, мен илон йилида туғилганман. Биз шундай йилда туғилганларга берилган таърифда жумладан «муваффақиятсизликларни ёқтиришмайди...» дейилган.

2. Бу йилимиз эса қўй йили эканлиги сабабли ҳаммани ҳам ювош, мулойим, юмшоқ табиат бўлиши аниқ деёлмайман. Лекин шундай бўлганда эди... Афсуски, ҳозирги иқтисодимиздаги ва бошқа жабҳалардаги кўпгина етишмовчиликлар бунга ҳалал беради.

Янги йилда амалга ошириш учун янги режалар ўйлаб қўйганман. Агар ниятим ҳолис бўлса, дўстларим билан мухлисларимизга қизиқарли совға тайёрламоқчимиз.

3. Одамлар бирон-бир томошада ёки ойнаи жаҳон қаршисидагина кулмасдан, кўча-кўйда, ишда, уйида, қўйингки, доимо хурсанд, хушчақчақ юрсалар. Бунинг учун ҳар доим дўконлар пештахталари моллар билан тўлиб тошсин, бозорлар арзон бўлсин, ҳеч ким турмушидан нолимасин. Одамларнинг бир-бирларига меҳр-муҳаббатлари янада зиёда бўлишини истайман.

Р. ШОЖАЛИЛОВ суҳбатлашди.

М. Қосимов: «Пахтакор» командасининг ўйинчиси, ёшлар ўртасида жаҳон ва Оврўпа чемпиони.

1. Бир неча йиллардан бери ушалмаётган армоним рўёбга чиқди — «Пахтакор» командаси олий лига жамоалари сафидан ўрин олди. Озми-кўпми бу соҳада менинг ҳам хизматим борлигидан дилим қувонади. Иккинчидан, ССЖИ Олимпия терма командаси аъзоси бўлдим. Ҳозир 1992 йил Барселонада бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўраяпман. Бироқ бунинг учун саралаш ўйинларидан муваффақиятли ўтиб олишимиз керак, Хўш, булар спорт, яъни касбим соҳасида. Шахсий ҳаётимда ҳам ўтган йили эсдан чиқмайдиган бўлди . Шу йили бўйдоқлар кўпчилик овоз билан мени ўз сафларидан ўчириб, бошқа «команда»га кузатишди: ёшликдан кўнгил берганим — Дилоромхон билан турмуш қурдик.

2. Олий лигада фақат битта учрашув ўтказганман. Лекин буни бўлмагани яхши эди — аждарҳо йили адашиб Минск шаҳрига бориб қолган эдим. Мезбонлар ҳоли-жонимга қўймай, «Динамо» кийимида майдонга тушишимни илтимос қилишган эди. Бироқ бу команда мен учун эмаслигини билиб эртасигаёқ у ердан «қуён» бўлганман. Қўй йилида, биринчи маротаба «Пахтакор» либоси билан олий лигада тўп сураман. Шу йили юқорида айтганимдек, саралаш мусобақаларида омад келса, ССЖИ футболчилари қаторида менга ҳам Барселонага йўл очилади. Ундан кейин... уйланганга бир йил бўлгач, нима кутиш мумкин?!

3. Юртимиз тинч бўлсин. Халқимиз тўқ яшасин. Ўйингоҳдан доимо шодлик ҳайқириқлари эшитилсин. Буниси — энди бизга боғлиқ.

Аброр ИМОМХЎЖАЕВ суҳбатлашди.

Муҳаррир ўринбосари
Р. УМАРОВ.

• Маҳаллалар ҳаётидан

МЎЙСАФИДЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН

Ўтган 1989 йил ниҳоясида Янгийўл ноҳиясининг Эски Қовунчи қишлоқ кенгаши теграсидаги Кирсадак маҳалласининг мўйсафидлари ташаббуси билан шу ерлик қариялар ва ёшлар дам олиб ҳордиқ чиқарадиган чойхона қуришга қарор қилинди. Ташаббускорларнинг фикрича бу чойхона шунингдек машҳур одамлар билан учрашувлар, маъракалар ҳамда кумуш ва олтин тўйлар, кўплаб бошқа хил тадбирлар ўтказиладиган жой ҳам бўлиб қолиши керак эди. Уни ҳашар йўли билан қуришга аҳд қилишди.

Бунёдкорлик ишларига меҳнат фахрийси, пенсионер, собиқ мактаб директори, ҳозирги пайтда эса маҳалла қўмитаси раиси Раҳматилла Мамбетов бошчилик қилди. Қурилиш ишларида бу ердаги аҳолининг деярли бари иштирок этди. Айниқса Қўчқор Маҳаматов ва унинг ўғиллари Абдунаби, Абдураззоқ, Равшан, Авазбек, набираси Адҳамбек, ота-бола Очил ва Искандар Баратовлар, ака-ука Нурмат ва Исмат Қосимовлар ҳамда 21-мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари мазкур чойхонани бунёд этиш ишига катта ҳисса қўшдилар. Калинин номли жамоа хўжалигининг раиси Махмуд Аҳмаджонов бошлиқ идораси ҳам четда қолмади. Хўжалик қурилишга ашёлар ва қурувчилар билан кўмаклашди.

Шу тариқа маҳалла марказида катта чойхона биноси қад ростлади. Унинг очилишига маҳалла аҳли, шунингдек ноҳиянинг катта-кичик раҳбарлари, вилоят ва жумҳурият миқёсидаги депутатлар ҳозир бўлдилар. Тантанада ССЖИ халқ артисти Наби Раҳимов, рубобчилар жумҳурият танлови совриндори, Ўзбекистон комсомоли мукофоти лауреати, Тошкент консерваторияси доценти Ғуломқодир Эргашев ҳам иштирок этдилар.

Йиғилиш қатнашчилари кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб бунёд этган мазкур чойхона маҳалла аҳлининг иноқлиги, аҳиллигидан далолат беражагини таъкидладилар. Баҳамжиҳатлик, тотувлик билан яна кўплаб ишлар қилиш мумкинлиги эътироф этилди.

Шу куни янги чойхонада йиғилганлар таниқли санъаткорлар ижросида турли саҳна асарларидан парчалар томоша қилишди, куй ва қўшиқлар тинглашди. Жамоа меҳнати самараси бўлмиш мазкур чойхона биносидаги дастлабки тадбир унинг иштирокчилари ва меҳмонларида яхши таассурот қолдирди.

У. ҲИКМАТОВ.

Суратларда: янги чойхонанинг очилиши маросими лаҳзалари.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.

ТВ

Пайшанба

3 ЯНВАРЬ

ЎзТВ I

11.30. Бухороча эртак. Фильм-концерт. 12.05. Қўғирчоқлар менинг дўстларим. 12.40. Сехрли саргузашт. Бадиий фильм. 18.05. Янгиликлар. 18.10. Болалар учун. Янги йил умидлари. 18.40. Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 18.55. Алифбо сабоқлари. 2-босқич. 19.30. Ахборот. 19.50. Ҳ. Даврон. Ватан меҳри. Адабий театр. 20.30. Ахборот. 20.50. Ешлар куйлаганда. Концерт. 21.20. Катталар учун мультфильм. Нишона. 21.30. «Время». 22.15. Икки кишилик вокзал. Бадиий фильм, 2-серия. 23.25. Янгиликлар

ЎзТВ II

19.05. Сахий ўрмон. Мультфильм. 19.20. Билим уфқлари. 19.50. Йиллар оша учрашув. 20.30. Ҳамшаҳарлар.

ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ:

21.30. «Время». 22.15. Севги саролари. Бадиий фильм.

МТ I

7.00. «120+30». 9.30. Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 9.45. Халқ қўшиқлари гулдастаси. 10.00. Болалар соати. 11.00. Сўнгги куз. Телевизион бадиий фильм, 1-серия. 12.30. Парнас сари бир босқич. 12.45. Зиёратчилар. Ҳужжатли фильм. 13.15. М. Горький номли киностудиянинг 75 йиллигига. Темур ва унинг командаси. Болалар учун бадиий фильм. 15.30. ТЯХ. 15.45. Ўхшамас. Телевизион бадиий фильм, 1-серия. 16.50. 1991 йил — Моцарт йили. Мусиқий хазина. 17.35. Енгоқ. Телефильм премьераси. 17.45. Янги авлод танлайди. 19.00. ТЯХ. 19.15. Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 19.30. Руслар Нагасакида. 20.10. Сўнгги куз. Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30. «Время». 22.15. Халқаро танлов совриндори Дмитрий Хворостовский концерти. 23.30. Менинг театрим қаерда? Телевизион бадиий фильм — монография премьераси. 00.35. Москва — Мидленд... мусиқаджаз. 01.20. Менинг одамларим. Телевизион бадиий фильм, 1-серия. 02.30. Барча юлдузлар. Киноконцерт.

МТ II

9.00. Эрталабки бадантарбия машқлари. 9.20. Болалар учун фильм. Цирк келди, 2-серия. 10.30. Овозим билан. Фильм-концерт. 11.30. «Ералаш» дегани нима? Телевизион фильм. 13.45. Куз, Таруса, Цветаева... 14.10. Ритмик гимнастика. 14.40. Илк қадамлар. Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 15.00. Болалик бекатидан йўлга чиққан поезд. Телевизион бадиий фильм, 2-серия. 17.30. Тожикистон ССЖ Давлат телерадиоси. Халқ қадриятлари тикланмоқда. 18.30. Ритмик гимнастика. 19.00. Мультфильмлар. 19.25. Бу қўшиқни унутма. Катталар ва болалар учун кўрсатув. 19.40. Бенуа уйи. Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм. 20.30. Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45. Яқин кишиларга меҳрибонлик қил. Телефильм. 21.30. «Время». 22.15. Мовий карбункул. Телевизион бадиий фильм.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
4, 5, 6 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА

КАТТА БАЙРАМ БАЗМЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССЖ халқ артистлари

Ғуломжон ЕҚУБОВ, Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ

СОЛИСТЛАР: Гульмира ШАРИПОВА, Раъно ЗОКИРОВА.

«ҚИЗИҚЧИ-90» кўригининг совриндори Соҳиб СОИПОВ

Чипталар соат 11.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ИДОРАСИ

8—13 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ШАҲАР ВА НОҲИЯЛАРДА
«ТАБИАТНИ АСРАНГ, ШУНДА У ҲАМ СИЗДАН МЕҲРИНИ АЯМАЙДИ»
мавзундаги фильмларнинг

ТЕМАТИК НАМОЙИШИНИ ЎТКАЗАДИ

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

Ангрен шаҳри, «Дўстлик» кинотеатрида — ҲАЙВОНЛАРНИ ЯХШИРОҚ ТУШУНИШ УЧУН.

Олмалиқ шаҳри, «Коннот» кинотеатрида — КЕЧИР, ҚОРА-БУҒОЗ... ҲАЙВОНЛАР УЧУН ЖАННАТ.

Чирчиқ шаҳри, «Навоий» кинотеатрида — ҚУШАЛОҚ ТУБЛИ ДЕНГИЗ. МУШОҲАДА.

Янгийўл шаҳри, «Ғалаба» кинотеатрида — КЎЛ.

Қибрай қишлоғи, «Иттифоқ» кинотеатрида — ҲАЗИЛКАШ ҚУШЛАР, ТАБИАТ СИРЛАРИ.

Бекобод шаҳри, «Юбилей» кинотеатрида — ОКЕАН УҒРИЛАРИ. ЎРМОННИ АРДОҚЛАНГ — ШУНДА У ҲАМ СИЗНИ ҚАДРЛАЙДИ.

Тўйтепа шаҳри, «ВЛКСМ 40 йиллиги» кинотеатрида — УЛКАН ОСТОНА ОРТИДА, ТУРНА ҲАЙҚИРИҒИ.

Пскент шаҳри, «Ўзбекистон ССЖ 40 йиллиги» кинотеатрида — СУВ БУЙИДА — СУВСИРАГАНЛАР. ЎЗ ДАЛАНГГА ТАЪЗИМ ҚИЛ.

ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

ФАҚАТ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИНИНГ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДАГИНА

ВАЛЕНТИН ПИКУЛЬНИНГ 16 КИТОБДАН ИБОРАТ 12 ТОМЛИК АСАРЛАР ТЎПЛАМИГА

АБОНЕМЕНТЛАР СОТИЛАДИ!

НАШРЛАР МУНДАРИЖАСИ:

1-том **«СЛОВО И ДЕЛО»** (1 ва 2-китоблар).
2-том **«ПЕРОМ И ШПАГОЙ»**.
3-том **«ФАВОРИТ»** (1 ва 2-китоблар).
4-том **«КАЖДОМУ СВОЕ, ПАРИЖ НА ТРИ ЧАСА»**.
5-том **«БИТВА ЖЕЛЕЗНЫХ КАНЦЛЕРОВ»**.
6-том **«БАЯЗЕТ»**.
7-том **«БОГАТСТВО»**.
8-том **«КРЕЙСЕРА»**.
9-том **«У ПОСЛЕДНЕЙ ЧЕРТЫ»** (1 ва 2-китоблар).
10-том **«ИЗ ТУПИКА»**.
11-том **«МООЗУНД»**.
12-том **«СТАЛИНГРАД»** (1 ва 2-китоблар).

БАРЧА ОБУНА НАШРЛАРИ ҚАТТИҚ МУҚОВАДА ЧИҚАРИЛАДИ. ҲАР БИР ТОМ ҲАЖМИ КАМИДА 25 БОСМА ТАБОҚДАН (350—450 сахифа) **ИБОРАТ.**

Биринчи том 1991 йилнинг биринчи чорагида, сўнгги том 1993 йилда сотилади.

Қиймати 15 сўмлик абонементни олиш учун (нашрнинг сўнгги томи учун ҳақ) бир вақтнинг ўзида 30 кг макулатура топшириш ва қайд қилиш учун паспортни кўрсатиш талаб этилади.

Ҳар бир китоб учун сиз 30 кг дан макулатура топширишингиз лозим. Талонга ва китобга қўшимча ҳақ тўлашда топширилган макулатуранинг қиймати ҳисобга олинади. Обуна нашрларининг барча 12 томини абонементга макулатура топширган қабул пунктларидангина олишингиз мумкин. Абонемент йўқолган ҳолларда янги абонемент берилмайди.

Обуна нашрларининг келиб тушиш маромига кўра корхона томонидан «Ташкентская правда» ва «Тошкент ҳақиқати» рўзномаларида эълон бериб борилади.

ДУКОН ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИНИНГ МАНЗИЛЛАРИ:

1-Олмалиқ шаҳри. Островский кўчаси. Марказий бозор ҳудуди;
2-Горький номли клуб.
1-Чирчиқ шаҳри Пионер кўчаси. (11 ва 13-уйлар орасида;
2-Коммунистик кўчаси, 22-уй.
1-Бекобод шаҳри. Аббосов кўчаси, 37-уй;
2-12-микрорайон.
1-Янгийўл шаҳри. Деҳқон кўчаси, 11-боши берк кўча.
1-Оҳангарон шаҳри. Вокзалолди кўчаси, 3-уй;
Тўйтепа шаҳри. Ленин кўчаси («ВЛКСМ 40 йиллиги» кинотеатри ёнида).
1-Ангрен шаҳри, Комсомол кўчаси. 52-уй;
2-31-мавзе 10-уй.
Красногорск шаҳри. Совет кўчаси («Автосервис» ҳудуди).
Янгиобод шаҳри. Дукент қишлоғи. Октябрь кўчаси. 9-уй.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОН: 48-36-26.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

МУҲАРРИР ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: мафкура — 325778, деҳқончилик-саноат — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Советлар ҳаёти — 325645; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар —334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Д. — 4726. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12